

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ БИРИНЧИ МАРТА ҚЎЛЛАШДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ТУЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11396943>

Сайфуллоев Жамшид Қобил ўғли

Тошкент давлат иқтисодийёт университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жаҳон мамлакатларида кенг қўлланилиб, инвестицион жозибадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллашда ҳисоб сиёсатини тузиш хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, активлар, хусусий капитал, мажбуриятлар, даромад ва харажатлар.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ биринчи марта МҲХС қўлланилганда, ахборотларни ошкор қилиш молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг фикрига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун МҲХС биринчи марта қўлланилганида молиявий ҳисобот учун ҳисоб сиёсатини тайёрлаш муаммоси долзарб аҳамият касб этади.

Иқтисодчи олимлар томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ҳисоб сиёсатининг мазмун-моҳиятини очиб беришга оид қарашлар келтирилган.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар таъкидлашича, “МҲХС бутун дунёда ташкилотлар фаолияти тўғрисида шаффоф, ишончли ва тушунарли маълумотларни яратиш учун самарали восита сифатида тан олинган. Молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги ва бошқарув сифати инвесторлар ва кредиторлар инвестиция объектларини танлашда асосий мезонга айланади” [1].

Грециялик иқтисодчи олимлар Н.Карампинис ва Д.Хевас фикрича, “МҲХСнинг мақсадларидан бири жаҳон капитал бозорлари иштирокчилари ва бошқа фойдаланувчиларга иқтисодий қарорлар қабул қилишда ёрдам берадиган юқори сифатли, бухгалтерия ҳисоби стандартларининг ягона тўпламини тақдим этишдан иборат” [2].

М.Салевски, Т.Тютеберг ва Х.Зулш томонидан олиб борилган тадқиқотда “МҲХС иккита асосий мақсадни кўзлайди: шаффофлик ва таққосланувчанлик, бу капитал бозорларининг фаолиятини яхшилаши ва ниҳоят, макроиқтисодий ривожланишга ёрдам беради”, деган хулосага келинган [3].

З.Р.Зуфарова ҳисоб сиёсатининг аҳамиятига кўйидаги фикрни билдирган: “глобаллашув жараёнида жаҳон мамлакатларидаги иқтисодий вазият, тўловларни амалга оширмаслик ҳолатлари, қарздор корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлиги, молиявий мустақиллик даражасининг пасайиб бориши туфайли ҳисоб сиёсатининг аҳамияти ошиб бормоқда, бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир қилади. Ҳисоб сиёсати қандай шаклланганлигига қараб, корxonанинг хўжалик фаолияти замонавий даражада ривожланади” [4].

Юқорида келтириб ўтилган фикрларда асосан ҳисоб сиёсатининг мазмуни, унинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини амалга оширишдаги аҳамияти ёритилган. Бироқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллашда ҳисоб сиёсатини тузиш хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаган.

Ҳисоб сиёсатини МҲХСга мувофиқ тайёрлашга имкон берувчи асосий стандартлар “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” номли 1-сон БҲХС, “Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва хатолар” номли 8-сон БҲХС ва “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи қўллаш” номли 1-сон МҲХС ҳисобланади.

1-сон БҲХС молиявий ҳисоботда ва молиявий ҳисоботга изоҳларда тақдим этилиши керак бўлган асосий моддаларни белгилайди. Молиявий

ҳисоботда бухгалтерия ҳисоби объектлари - бухгалтерия ҳисоби элементлари (асосий воситалар, молиявий активлар ва мажбуриятлар, кредиторлик қарзлари ва бошқалар) МҲХС бўйича ҳисоб сиёсатида очиб берилиши керак.

8-сон БҲХС ҳисоб сиёсатини тайёрлаш тамойилларини, активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш усуллари бўйича ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш тартибини белгилайди. 8-сон БҲХС ҳисоб сиёсатининг умумий тузилмасини яратишга ва бир компания ичида ҳам, бир гуруҳ корхоналарда ҳам ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва ўзгартиришда бир хил ёндашувлардан фойдаланишга имкон беради.

1-сон МҲХСни биринчи марта қўллаган ташкилотнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳисобот беришнинг асосий усулларини тавсифлайди. Ушбу стандарт МҲХСга мувофиқ биринчи молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг бир қисми сифатида компания ўз ҳисоб сиёсатида белгилаши мумкин бўлган асосий мажбурий истиснолар ва ихтиёрий истисноларни тавсифлайди.

МҲХС бўйича ҳисоб сиёсати МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг муҳим услубий жиҳатини ифодалайди. МҲХС бўйича ҳисоби сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш, МҲХСга мувофиқ ҳисоботларни тайёрлаш тамойиллари ва қоидалари тўплами шаклида тасдиқланиши мумкин ва ҳар қандай ички ҳужжат билан белгиланиши мумкин. Кўпинча, ташкилотлар МҲХС бўйича бухгалтерия ҳисобининг турли соҳалари учун маълум кўрсатмаларга эга бўлиши мумкин, бироқ уларни битта ҳужжатда умумлаштириб бўлмайди. Компаниянинг ҳисоб сиёсати тўғридан-тўғри фақат молиявий ҳисоботга изоҳларда келтирилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

Битта ҳужжатда бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва қоидаларини тизимлаштириш муҳим элемент бўлиб, ҳисобот сифатини ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайта ишлаш даражасини оширишга ёрдам беради, молиявий ҳисоботга изоҳларни тайёрлашда муҳим элемент бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ташқи ва ички фойдаланувчиларга битта компанияда (ёки

компаниялар гуруҳида) МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш тамойиллари ва қоидаларини яхшироқ тушунишга имкон беради.

МҲХС бўйича ҳисоб сиёсатининг услубий компоненти МҲХС бўйича маълум операцияларни акс эттирувчи бухгалтерия ҳисоби усуллари ва МҲХСга мувофиқ тузатишларни ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳисоб сиёсатининг барча турлари - бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, бошқарув ҳисоби мақсадлари учун ва МҲХС бўйича молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун ҳисоб сиёсати одатда ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳисоб сиёсати ўртасидаги боғлиқлик маълум ҳисобот объектларини баҳолашнинг бир хил усулларида ифодаланиши мумкин. Молиявий ҳисоботнинг айрим объектларини баҳолашга бир хил ёндашувларга кўшимча равишда, ҳисобот бериш тамойиллари ҳам ўхшаш бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sara Issakova, Aigul Moldabekova, Altynay Moldasheva, Marina Kenzhebaeva, Galiya Tuleyeva. Evaluation of Share Investments at Fair Value. //Espacios, Vol. 38 (Nº 59) Year 2017. Page 21

2. Nikolaos Karampinis, Dimosthenis Hevas. The Effect of the Mandatory Application of IFRS on the Value Relevance of Accounting Data: Some Evidence from Greece. // European Research Studies, Volume XII, Issue (1) 2009

3. Marcus Salewski, Torben Teuteberg, Henning Zülch. Short-term and long-term effects of IFRS adoption on disclosure quality and earnings management. //Corporate Ownership & Control / Volume 13, Issue 2, Winter 2016, Continued - 3

4. Зуфарова З.Р. Ҳисоб сиёсати аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Тошкент: 2023 й. 56 б.